

Саудия Арабистони устида «қонли ой» кўтарилади



15:00 / 25.05.2021 3671

2021 йил 26 май куни Саудия Арабистони аҳолисини гўзал астрономик ҳодиса кутмоқда, яъни Супермоон кечки осмонга кўтарилади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Визуал равишда Ой ҳажми 14 фоизга, ёрқинлиги эса 30 фоизга ошади.

Шу куни осмонда Ой Ер аҳолиси учун улкан бўлиб туюлади, баъзи минтақаларда қуёш нурлари Ернинг атмосферасига кириб боради.

Ер, Ой ва Қуёш ўртасида туради, натижада у Ойга соя солади. Тўлиқ Ой тутилиши пайтида Ойни Ер сояси бутунлай яширади, бу Ойга қизғиш ранг беради (ушбу ҳолат «Қонли Ой» атамаси билан номланади).

2021 йил 26 майдаги Супермоон иккитадан бири бўлади. Ой Ерга тахминан 357,500 км масофа яқинлашади. Ойнинг ёрқинлиги соат 15:14да кўтарилади ва Супермоон 15 дақиқа давом этади.

Хуршид Маъруф тайёрлади